

«Ўзбек тилининг изохли лугати»да «ёлгон» сўзи — «хакикатга зид, нотўгри, уйдирма, чин эмас, сохта, калбаки» каби ифодалар оркали изохланган. Туркийда — ўтрук, форсийда — фириб, арабийда — кизб калималари ҳам айна маънода бўлиб, лугатларда бу сўзлар воқеадаги нарсанинг хилофини бериш», дея таърифланган. Хозирги кунда кўпчиликка яхши таниш «алдамчи, фирибгар, айёр, хийлагар, найрангбоз, товламачи, каллоб» каби сўзларда ҳам «вокеликнинг хилофини бериш, борни йўк, йўкни бор қилиб кўрсатиш» маънолари мавжуд. Шунинг учун мазкур лафзлар нутқимизда «ёлгончи» деган сўзнинг маънодоши сифатида кенг қўлланади.

«Хар кимнинг сўзи ёлгон, ёлғони зоҳир бўлгоч уёлгон», дейди Навоий бобомиз «Махбуб-ул-кулуб» асарида. Дарвоқе, ёлгон қачон зоҳир бўлади? Ёлгоннинг умри қанча? Модомики, ёлгон ҳақида гапирилатган экан, бундай саволлар тугилиши табиий, гарчи уларга жавоб бериш мушкул ва ноқулай бўлса-да. Аввал ёлгон қачон ва қандай дунёга келади, ёлгоннинг ҳам манбаи нима, унинг интихоси қаерда, деган саволларга жавоб излаб кўрайлик. Балки шунда ёлгоннинг қанча умр кўриши ойдинлашар.

Ёлгон — кўрқоклик махсули. Ҳақиқатни айтишдан кўрққан кишилар ёлгон сўзлайди. Қаерда ҳақиқатни ошқор қилишдан чўчиш чўчиш қучли бўлса, ўша ерда ёлгонлар кўпаяди: кимдир жонидан, кимдир молидан маҳрум бўлишдан, яна кимдир обрў-мавқеидан ажраб қолишдан кўрқиб, ёлгон гапиради. Аммо иш шу билан тугамайди, ёлгоним очилиб қолмасин деб ёлгонни ёлгонлар билан ўрайди. Бу бамисоли аъзонинг юза қисмидаги фасодни кесиб олиб, томирлар ичига жойлагандек гап! Фасод қонга ёйилгач, жасад қулайди.

Ёлгон қанчалик болалаб, сафини қенгайтормасин, бу «галаба» алалоқибат, ҳалокат билан ниҳояланади. Агар мажоз жоиз бўлса, қуйидаги манзарани бир тасаввур қилинг: ёлгоннинг юзи доимо захил, боши эгик бўлади, кўзлари ҳеч қачон тик боқолмайди, иккиланаверади, бирдан титраб, қалтирайди. Негаки, унинг шундоқ қаршида туганмас қудрат ва ҳайбат билан ҳақиқат турибди...

Ҳа, ёлгоннинг титраши бежиз эмас, у сездир: ҳақ тез, жудаям тез қарор топади. Ёлгоннинг қош бўлишига сония, дақиқалар етар, балки ойлар, йиллар кетар. Нима бўлгандаям, сония ва дақиқалар соатга нисбатан, соатлару кунлар ойларга нисбатан, ойлару йиллар асрларга нисбатан оз муддат. Ўтган улугларимиз хабар беришича, бу дунё ибтидосидан интихосига қадар охирага солиштирилганда ҳечдир. Ўлчов шу экан, биз ҳам ота-боболаримиз айтганини тақрорлаймиз: «Ёлгоннинг умри қиска».

Йўлчи ЭЛЧИБЕК